


# Мавзұ3. Сувресурсларини давлат томонидан бошқаруви



# МАВЗУ БҮЙИЧА ЎРГАНИЛАДИГАН

# МАСАЛАЛАР

- **Режа:**

- 1. Сув ресурсларини бошқариш ва ва унинг асослари.
- 2. Сув хўжалигини давлат томонидан бошқаришнинг асосий принциплари, йўналишлари ва воситалари.
- 3. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш, Ҳавзавий кенгаш.
- 4. Ирригация каналларини, суғориш ва дренаж тизимларини бошқариш.
- 5. Сув ресурсларини бошқаришда фуқаролар ва нодавлат бирлашмаларнинг иштироки.
- 6. Давлат бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари.
- 7. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни режалаштириш.
- 8. Сувдан фойдаланиш вауни муҳофаза қилишни давлат томонидан нормалаштириш.
- 9. Сувдан фойдаланишни давлат томонидан ҳисобга олиш ва уни муҳофаза қилиш.

# **Фойдаланиш учун адабиётлар**

- Suv huquqi. Darslik.(prof Usmonov M. Tahriri ostida) Т., 2004-219bet.
- Сваков Д.О. Водное право. Учебно-практическое пособие, М., 2007год.
- Ismoilxo'jaev B., Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi,T., TIQXMMI-MTU nashryoti, 2021 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ma'muriy huquqbuzarlik va javobgarlik, TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ekologik nazorat. TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- R.Quentin Grafton, Karen Hussey “Water resources planning and management”, London 2011, Cambridge University Press p.423
- O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan konsepsiysi. 2020 yil.
- O'zbekiston Respublikasining “Suv va suvdan foydalanish to'g'risida”gi qonuni,1993 yil.
- O'zbekistonning Ichimlik suvi ta'minoti va oqava suvlarni chiqarib yuborish to'g'risida”gi qonun,O'RQ-784, 22iyul, 2022 y.
- O'zbekiston Respublikasi Suv kodeksi ,2023 yil.

## • Сув ресурсларини бошқариш асослари

- Сув ресурсларини бошқариш давлат ҳокимияти органлари, махсус ваколатли ва бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ҳамда бошқа нодавлат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг сувга доир муносабатлар соҳасидаги сиёсатини амалга ошириш бўйича сиёсий, қонунчилик, иқтисодий, ташкилий ҳамда бошқа чора-тадбирларни ифода этади.
- Сув ҳуқуқида “сув ресурсларини бошқариш” ва “сув фондини бошқариш” тушунчалари бир хил ҳуқуқий аҳамиятга эгадир

# Сув ресурсларини бошқариш тамойиллари

- Сув ресурсларини бошқариш қўйидагиларга асосланади;
- тармоқ ва линияли (тизим) принциплар – сув ресурсларини бошқариш бўйича махсус ваколатли ва бошқа органларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;
- ҳудудий ва функционал принциплар – ижро ҳокимияти аппаратлари ва унинг тегишли бўлинмаларининг сув ресурсларини бошқариш бўйича махсус ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш;
- коллегиаллик ва яккабошчилик – коллегиал орган фикрини инобатга олган ҳолда, сув ресурсларини бошқаришнинг мухим масалалари бўйича яккабошчилик асосида қарорлар қабул қилиш;
- ҳавза ва маъмурий-ҳудудий принциплар

# Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси

- сув ресурсларидан комплекс ҳамда оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш зарурлиги ҳамда ўзаро бўйсуниш ҳисобга олинган ҳолда қўйидаги даражаларга ажратилади:
- давлатлараво;
- давлат (республика, миллий);
- ҳавза;
- ҳудудий;
- маҳаллий

# Сув хўжалигини давлат бошқарувини асосий принцип, йўналиш ва воситалари

- . Ўзбекистон Республикасининг сув хўжалигини бошқариш тизими қўйидаги принципларга асосланади:
- сув сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизmlарини яхшилаш, секторда қарорлар қабул қилишда турли органлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш ва бир-бирини тақрорловчи вазифа ва функцияларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир давлат органининг вазифалари, функциялари ҳамда ваколатларини аниқ белгилаш;
- сув ресурсларининг барча турларини бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, турли соҳаларда (қишлоқ хўжалиги, ичимлик сув таъминоти, саноат, энергетика ва бошқалар) сув ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланишни бошқариш, сув хўжалиги инфратузилмасидан фойдаланиш вазифаларини амалга ошириш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш, сув ресурсларидан фойдаланиш ҳисоби туғри юритилишини ва ифлослантирувчи моддаларнинг сув объектларига ташланишини ҳамда сув ресурсларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаш;

- давлат томонидан тартибга солишининг асосан маъмурий усулларини қўллашдан бозор иқтисодиёти принципларига йўналтирилган усул ва механизмларга, шу жумладан, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, шахсий ташабbusларни илгари суриш ва секторга нодавлат молия ресурсларини жалб қилиш учун иқтисодий рағбатлар тизимиға ўтиш.
- Кўйидагилар сув хўжалигини давлат томонидан тартибга солишининг асосий йўналишлари ҳисобланади:
- сув ресурсларини прогнозлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг ошкоралигини таъминлаш;
- сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, уларнинг ишончли ишлаши ва хавфсизлигини таъминлаш, йирик сув хўжалиги объектларининг рақамли технологиялар асосида бошқарилишини ташкил этиш, ресурс тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, шунингдек, ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;
- сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш;
- сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишида “Smart Water” (“Ақлли сув”) ва шу каби рақамли ҳамда космик технологияларни жорий қилиш;

- . Қишлоқ хұжалиги әқинларини етиштиришда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишни янада кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини оширишга күмаклашиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш ва олдини олиш бўйича самарали технологияларни қўллаш;
- сув хўжалигида бозор иқтисодиёти принципларини, жумладан, суғориш сувини етказиб бериш харажатларининг бир қисмини сув истеъмолчилари томонидан босқичма-босқич қоплаш тизимини жорий қилиш, тушган маблағларни сув хўжалиги обьектларини ўз вақтида сифатли таъмирлаштиклашга, рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда самарали бошқаришга йўналтириш;
- сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги обьектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш ҳамда тежалган маблағларни сув хўжалиги обьектларини модернизация қилиш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтириш;

# Сув ресурсларини ҳавзаний бошқариш.

- Сув ресурсларини ҳавзаний бошқариш, асосан, гидрографик принцип ёки сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган бошқа шартлар бўйича амалга оширилади.
- Ҳавза сув ресурсларини бошқариш ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ташкилий тузилма (кейинги ўринларда - ҳавза бошқармаси) томонидан бошқарилади.
- Ҳавза бошқармаси ер усти сувларидан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида маҳсус ваколатли давлат органининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.
- Ҳавза бошқармаси туман миқёсидаги хўжаликлараро (фермерлараро) суғориш тармоқларини бошқариш ҳамда сувдан фойдаланувчиларга сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш мақсадида хўжалик ҳисобидаги маҳсус хизмат ёки бошқа тузилмаларни ташкил этиши мумкин.
- Ҳавза бошқармаси ўз фаолиятини амалга оширишда бошқариладиган ҳавза чегараларида атроф табиий муҳитга зарар етказилишига ва ўз фаолиятининг салбий оқибатлари чегарадош ҳавзалар ҳудудида тарқалишига йўл қўймаслик чораларини кўради.
- Маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари ҳавза бошқармаларига сув ресурсларини бошқаришга ҳавзаний ёндашувни амалга оширишда кўмаклашади.
-

# Ҳавзавий кенгаш

- Сув ресурсларини асосий манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда самарали бошқаришга кўмаклашиш учун ҳавзалар доирасида коллегиал-маслаҳат органи сифатида ҳавза кенгашлари ташкил этилади.
- Ҳавзавий кенгаш маҳаллий давлат ва вакиллик органлари раҳбарлари, тегишли ҳудуддаги асосий сувдан фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор томонлар вакилларидан иборат бўлади. Кенгаш таркибини шакллантиришда, имкон қадар аёллар ва эркакларнинг мутаносиб вакиллигини ҳисобга олиш керак.
- Ҳавзавий кенгашни ҳавза бошқармаси ёки бошқа ваколатли ташкилот раҳбари бошқаради.

# Ҳавзаний кенгашларниң асосий ваколатлари :

- ҳавза сув фондини бошқариш, муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича таклифларни кўриб чиқиш;
- фаолият кўрсатаётган сувдан фойдаланувчилар манфаатларига жиддий дахл қиласидаган сув олиш учун квоталар ажратилишини маъқуллаш;
- ҳавза режаларига таклифлар тайёрлаш ва жамоатчиликни сув муаммоларини ҳал этишга жалб қилиш;
- сув обьектларини тиклаш ва муҳофаза қилиш бўйича қўшма тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолиятни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш.
- Ҳавзаний кенгаш мажлислари унинг фаолияти режасига мувофиқ, аммо ярим йилда камида бир марта ўтказилади. Кенгаш мажлиси унда ҳавзаний кенгаш аъзоларининг камида ярми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.
- Кенгаш қарорлари унинг аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кенгаш қарорлари баённома билан расмийлаштирилади ва мажлисга раислик қилувчи томонидан имзоланади.
- Ҳавзаний кенгаш ўз ваколатига тааллуқли масалалар бўйича материалларни сўраш хукуқига эга.
- Ҳавзаний кенгаш фаолиятини ташкилий-техник таъминлаш, шу жумладан, ҳавза кенгашларини ташкил қилиш, унинг мажлисини ўтказиш муддати ва жойи, кун тартиби, қарорлари тўғрисидаги ахборотни умумий фойдаланиладиган ахборот тизимларида жойлаштириш ишлари тегишли Ҳавза бошқармаси томонидан амалга оширилади.
- Ҳавзаний кенгаш иш регламенти кенгаш мажлисида тасдиқланади.

# Ирригация каналларини, суғориш ва дренаж тизимларини бошқариш.

- Хўжаликларо ирригация-дренаж тармоғини бошқариш вазифаси ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, сув хўжалиги хизматлари ва сувдан фойдаланувчиларнинг салоҳияти, шунингдек, хусусий сектор манфаатдорлигидан келиб чиққан ҳолда қўйидагиларга берилиши мумкин;
- хусусий секторга (давлат-хусусий шериклик шартларида);
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг ихтиёрий бирлашмалари.
- Ирригация каналларини, суғориш ва дренаж тизимларини бошқариш вазифаларининг бир қисми мажбуриятларнинг ошкора тақсимлашини, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий адолат ва экологик барқарорликни таъминлайдиган принциплар ҳамда аниқ мезонлар кўрсатилган ҳолда тегишли сув хўжалиги ташкилоти билан келишув асосида берилади.

- Сув ресурсларини давлат томонидан бошқариш органлари.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувининг махсус ваколатли органлари ва бошқа давлат органлари ўз ваколатларига мувофиқ сув ресурсларини давлат томонидан бошқариш ишларини амалга оширади.
- Сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига амал қиласди.

- 
- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари**
  - сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
  - сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини куриш;
  - сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш, шунингдек, сувларнинг заарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш соҳасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
  - Миллий сув кенгашининг самарали фаолиятини;
  - сув фондини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, сувдан фойдаланиш, сув истеъмоли меъёрларини ва сув обьектидан сув олиш лимитларини (кейинги ўринларда – сув олиш лимитлари) тасдиқлаш тартибини белгилаш;
  - сувларнинг давлат томонидан ҳисобга олиб борилишини ҳамда сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этиш, давлат сув кадастри ва сув мониторингини юритиш тартибини белгилаш;

- йирик авариялар, фалокатлар, экологик инқироз ва сувларнинг заарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- сув ресурсларидан фойдаланиш учун ҳақ тўлаш, сув обьектларини ифлослантириш ва қуритиб қўйганлик учун ҳақ ундириш тартибини белгилаш;
- сув хўжалиги соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;
- сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган қарорлар ва дастурлар қабул қилиш, сув ва сувдан фойдаланишга доир бошқа дастурларни тасдиқлаш;
- сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини тасдиқлаш;
- қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

# Миллий сув кенгаши

- . Сув ресурсларини бошқариш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга доир комплекс ҳамда мувофиқлаштирилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш учун Ўзбекистон Республика Миллий сув кенгаши си Президенти ҳузурида маслаҳат-кенгаш органи сифатида ташкил этилади.
- Миллий сув кенгаши таркибига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари, вазирликлар ва сув ресурсларини бошқариш, улардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш учун масъул бўлган бошқа давлат органлари раҳбарлари, шунингдек, нодавлат ташкилотлар, сув хўжалиги соҳаси ва ўзаро боғлиқ тармоқлар вакиллари киради.

# Миллий сув кенгаши ваколатлари

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига сув бўйича сиёсат, дастурлар ва лойиҳалар ҳамда улардаги ўзгаришлар тўғрисида таклифлар киритади;
- вазирликлар, идоралар ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг сувга доир муносабатларга тааллукли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун кўриб чиқади;
- сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган дастурлар амалга оширилишини кўриб чиқади;
- сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви органлари хатти-ҳаракатларида юзага келадигани зиддиятларни ҳал этишни таклиф қиласди;
- ушбу Кодекс ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.
- Миллий сув кенгаши мажлислари заруратга қараб, лекин ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади. Кенгаш мажлиси унда Миллий сув кенгаши аъзоларининг камида ярми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.
- Миллий сув кенгаши қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва баённомалар билан расмийлаштирилиб, мажлис раиси томонидан имзоланади.
- Миллий сув кенгаши ўз ваколатига тааллукли масалалар бўйича материалларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.
- Миллий сув кенгаши фаолияти ташкилий-техник жиҳатдан маҳсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.
- Миллий сув кенгашининг иш регламенти кенгаш мажлисида тасдиқланади.

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.**

**Сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги маҳсус ваколатли органнинг ваколатлари.**

**Маҳсус ваколатли органнинг сув хўжалиги инфратузилмасидан фойдаланиш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича ваколатлари.**

**Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли органнинг ваколатлари.**

**Атроф-мухитни мухофаза қилиш соҳасидаги ваколатли органнинг ваколатлари**

**Гидрометеорология фаолияти соҳасидаги ваколатли органнинг ваколатлари**

**Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш масалалари бўйича ваколатли органнинг ваколатлари.**

**Сувдан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш бўйича давлат назорати.**

**ЭТЬИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ**